O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 27 февраль, № 41 (4956) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳуқуқий майдонни янада такомиллаштириш, жамоат тузилмалари билан чамбарчас мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатбардошлигини чуқур таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасидаги функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ифодалаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

ўз ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар ҳақидаги, банкротлик тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини тўхтатиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш ҳамда берилган ёзма кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

даъво ва ариза билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари камситилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятлари юзасидан корхоналар ва ташкилотларни (уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан ташқари) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши билан келишган ҳолда текшириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ва кредит ресурсларини кенг жалб этишда кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришда ҳамда уларни жаҳон ва минтақа бозорларига киритишда кўмаклашиш;

уюшма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этиладиган даъволар юзасидан судларда кўриладиган ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сон Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 февраль

Шукрона



## ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ҒАМХЎРЛИК

### Мамлакатимизда кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

***Халқимизнинг қонида, табиатида мавжуд азалий эзгу фазилатлардан бири шуки, бу эл ўз қарияларини сидқидилдан эъзозлайди, уларни "Пиру бадавлатларимиз" деб бошга кўтаради.***

***Чексиз мамнуният билан шуни таъкидлаймизки, халқимизнинг ўз қарияларига мана шундай юксак инсоний ёндашуви Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилган.***

Маълумотларга кўра, бугун республикамиз бўйича пенсия билан таъминланган фуқароларнинг умумий сони 2,8 миллионга яқинни ташкил этади. Табаррук инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларга моддий-маънавий ёрдам бериш, саломатликларини тиклаш борасида мамлакатимизда кенг кўламли савобли ишлар амалга оширилмоқда, давлатимиз томонидан янгидан-янги чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жуда кўп давлатларда аҳолининг турли қатламлари, жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар ҳам унинг оғир таъсирини ўз тақдирларида яққол ҳис этишаётган бир пайтда мамлакатимиз ишлаб чиқаришида ҳамда халқимизнинг турмуш фаровонлигида барқарорлик кўзга ташланиб турганлиги ҳаммамизни хурсанд қилади. Жумладан, кекса авлод вакилларининг пенсиялари ва турли нафақалар миқдори бозор иқтисодиёти даври талаб-эҳтиёжларига мос равишда босқичма-босқич ошириб борилиши ҳам бунинг бир далилидир.

Кейинги йилларда вазирлигимиз тизимидаги соғломлаштириш марказлари ҳар тарафлама ривожлантирилди. Мавжуд саломатлик даргоҳлари тубдан қайта таъмирланиб, обод, фаровон манзилларга айлантирилди. Уларнинг ёнига янги муҳташам бинолар қўшилди. Ҳозирги кунда "Саховат" ҳамда "Мурувват" уйларида ҳаёт кечираётган 7 минг нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронлар тўлиқ давлат таъминотига олинган. Бу савобли даргоҳлардаги ҳар бир хона орасталиги, шинамлиги, телевизор, телефон, музлаткич ва совутқичлар қўйиб жиҳозланганлиги билан ажралиб туради. Қариялар уйларига газеталар ва журналлар узлуксиз равишда етказиб берилмоқда, бой хазинали кутубхоналар ишлаб турибди. Қариялар бу ерда ҳар бир байрамни катта хурсандчилик билан нишонламоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА «ИЖОД» ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг беқиёс ўрни, таъсири ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июлдаги 394-ф-сон фармойишига биноан ташкил этилган Республика комиссиясининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фонди негизида Уюшма ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган «Ижод» фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш;

ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда Интернетда кенг тарғиб этишни молиялаштириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг тасарруфидаги кўчмас мулкни бошқариш, Фонд маблағларидан Фонд низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақсадли ва самарали фойдаланиш.

2. Қуйидагилар:

Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Фонд ижро этувчи дирекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсиясига биноан Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. Фонднинг Васийлик кенгаши (Ш. Мирзиёев):

ҳар йили Фонднинг даромад ва харажатлари истиқбол кўрсаткичларини тасдиқлаб борсин;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқсин ва маъқулласин;

Фонд олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, Фондга ҳомийлик ёрдамини жалб қилсин;

Фонднинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини Фонд даромадларининг шакллантирилиши, харажатларининг асослилиги ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мунтазам назорат қилиб борилишини таъминласин.

4. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

«Дўрмон» ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналарини ижарага беришдан ҳамда Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ушбу қарорнинг 4-банди иккинчи абзацида кўрсатилган ажратмалар фойдадан олинадиган солиқ, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига ажратмаларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани камайтириши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг:

«Дўрмон» ижод уйи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасини Фонд бошқарувига ўтказиш;

Фонд томонидан «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонасини таъсис этиш ва унга бошқариш учун берилаётган мулкдан самарали фойдаланиш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан Фондга унинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида 2010 йилда 100,0 (юз) млн. сўм маблағ ажратишни, шунингдек, зарур бўлган ҳолатларда, кейинги йилларда маблағ ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

8. Фонд ва «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси 2015 йил 1 январгача барча солиқлардан, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ва Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд ва унинг бошқарувидаги «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

9. Фонднинг Васийлик кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан келишилган ҳолда Фонд уставини ҳамда Фонд маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига «Дўрмон» ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналарини уюшма аъзоларига ижодий хизмат сафарлари учун фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

11. Фонд Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 16а-уй манзилидаги бинога жойлаштирилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 февраль

***Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан жорий йилда мамлакатимизда 950 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.***

### Аҳоли бандлиги:

## ИШОНЧ ВА КАФОЛАТ

Жараён

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мазкур масаланинг бугунги кундаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, республикамизнинг барча ҳудудларида аҳоли бандлиги мавзуида социологик тадқиқот ўтказди.

"Сиз учун иш, биринчи навбатда, нимани англатади?" деган саволга сўров қатнашчиларининг 44,8 фоизи у, аввало, одамларга фойда келтириш имкониятини яратишини, иш инсоннинг энг асосий эҳтиёжи ва ҳаётининг мазмуни эканлигини, шу билан бирга, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилишини билдиришган. Иштирокчиларнинг учдан бир қисми эса иш ижод учун ҳақ олиш, яшаш учун пул топиш воситаси, 12,5 фоизи жамиятда ўз ўрнини топиш йўли эканлигини таъкидлаган.

Сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги республикамизнинг меҳнатга яроқли аҳолиси ўз ишини юқори даражада сифатли қилиб бажараётганига, олаётган даромади эса фидокорона ва ҳалол меҳнатининг самараси эканлигига ишонади.

Доимий иш жойига эга бўлган иштирокчиларнинг 63 фоизидан кўпроғи корхонада (ташкилотда, фирмада) штатда туради, ҳар бештадан биттаси йилига бир марта янгилаб туриладиган шартнома асосида фаолият юритади. Бу тоифа кишилар, асосан, зиёлилар — ўқитувчилар, врачлар, фан ва санъат намояндалари, бошқарувчилар, малакали ходимлардан иборат. Шунингдек, уларнинг 13,2 фоизи доимий иши билан бир қаторда, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, буюртма асосида тикувчилик, тадбиркорлик каби бошқа меҳнат фаолияти билан ҳам шуғулланади. Бундай ишлар уларга ойига қўшимча 150 минг сўмгача даромад келтиради.

Социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, янги ахборот-коммуникация технологиялари иш жараёнига тобора жадал кириб келмоқда. Сўров иштирокчиларининг 39,2 фоизи кундалик иш фаолиятида шахсий компьютердан, 66 фоизи мобиль телефондан, 15,6 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланади.

Ҳар етти қатнашчининг биттаси ҳозирги иш жойида бир йилдан ортиқ, ярмидан кўпи (54 фоизи) икки йилдан етти йилгача, қолган 30 фоизи узоқ вақт давомида ишлаб келади. Улардан 39,2 фоизининг бутун фаолияти

(Давоми 2-бетда).

## КИЧИК БИЗНЕС – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мазкур соҳа иқтисодиётимизнинг асосий таянчига айланди. Ҳозирги кунга келиб, кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқараётгани фикримиз тасдиғидир.***

Қарор ва ижро

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти доимо қўллаб-қувватланиб, бир қатор имтиёзлар берилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, айниқса, бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Хоразм вилоятида мазкур қарор ижросини таъминлаш, кичик бизнесни жадал ривожлантириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда бу ерда 28 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётганини, ўтган йили уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 69,5 фоизни ташкил этгани фикримиз далилидир. Энг муҳими, вилоятда меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 74,4 фоизи шу соҳада фаолият юритаётир.

Таъкидлаш керакки, ўтган йили тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 74 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилгани, фойдаланилмай турган 97 та бино имтиёзли нархларда ижарага берилгани соҳа ривожида рағбатлантирувчи омил бўлди.

(Давоми 3-бетда).

***Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент аъзолари, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини, унда кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига эътибор бериш зарурлигини алоҳида қайд этди.***

# ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ

## маҳаллий Кенгашлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

Давлатимиз раҳбарининг ушбу талаблари, таъкидлаш керак, маҳаллий Кенгаш депутати, айни пайтда мамлакатимиз юқори палатаси аъзоси сифатида фаолиятимизга жиддий масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Чунки ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳаётидан, унинг пасту баландидан бохабар депутат қабул қилинаётган қонунлар, Фармон ва қарорлар ижросининг ўз ҳудудида нечоғли рўёбга чиқарилаётганини таҳлил этиши, тегишли назорат тадбирларини олиб бориши зарур. Зотан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, маҳаллий Кенгашлар ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлайди. Қонунларга мувофиқ, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаб, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар беради.

Айни пайтда халқ депутатлари ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқига ҳам эга. Бу ваколатларни, айниқса, молиявий таназзул шароитида қўллашнинг аҳамияти беқиёсдир. Бироқ Президентимиз парламент палаталари қўшма мажлисида Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент, аниқроғи, депутатлик назоратини ўрнатиш борасидаги фаолияти ўта қониқарсиз йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Истиқболда бу йўналишда ишлар кўламини ва самарадорлигини изчил ошириш талаб этилади.

Шу маънода, биз, халқ депутатлари Тахтакўпир тумани Кенгаши, унинг тегишли доимий комиссияси фаолият режасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга алоҳида урғу бераяпмиз. Бунда, жумладан, қишлоқда кечаётган ўзгаришларнинг марказида турган фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинаётир. Айниқса, фермерлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари диққат марказимиздадир.

**Ижтимоий ҳаёт**

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида мана шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил қилиб берди. Жумладан, мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқ, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншооти қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Бу ишларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Қайд этиш жоиз, туманимизда ҳам ўтган йили бу борада бажарилган ишлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини берди. Жорий йилда ҳам мазкур дастурга биноан, шунингдек, фермерларнинг ўз имкониятлари доирасида зовурларни тозалаш, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқаяпмиз. Бунда, албатта, ўтган йил охирида қабул қилинган "Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари асосида ишларни янада кенгайтирамиз.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилгани боис улар давлатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланмоқда. Биргина мисол, ўтган йили кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши салкам 50 фоизга етди. Етиштирилаётган пахта ва ғалла ҳосилининг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келаётир. Истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, улар фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига барҳам бериш борасида ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари бир қатор тадбирларни мўлжаллашмоқда. Чунки Президентимиз томонидан 2010 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бу эса ушбу йўналишдаги дастурлар ижросини таъминлашда қонунчиликда белгиланган ваколатларимиздан самарали фойдаланишни, фаол ва фидойи бўлишни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловчилар ишончини оқлаш, Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, энг муҳими, Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ҳамда ваколатларимизни самарали қўллаш бугунги куннинг энг долзарб талабидир. Негаки, амалга оширилаётган дастурларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, жойларда қонунлар ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиш, Олий Мажлис Сенатида муҳокама қилинаётган ҳужжатларда ҳудудлар манфаатини таъминлашнинг пировард натижаси аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга қаратилгандир.

**Сарсенбай СЕЙТНАЗАРОВ,**
**Тахтакўпир туманидаги «Таймбет» фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ҒАМХЎРЛИК

## Мамлакатимизда кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар учун санъаткорлар, ижодкорлар, депутатлар, тадбиркорлар билан учрашувлар уюштирилиши ҳам мазмундор тадбирлар қаторидан ўрин олмоқда. Бунинг устига, ушбу даргоҳлардаги ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиб, режали равишда соғломлаштириб борилади.

2009 йилнинг август ойидан вазирликка қарашли "Марварид" уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Янги бино ишга туширилиши билан йилига қўшимча равишда 2100 нафардан ортиқ пенсионер ва ногиронлар санаторий шароитида соғломлаштирилмоқда.

Шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида вазирлик тизимидаги "Товоқсой", "Олтиариқ", "Косонсой" уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳларида ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Улар бугунги кунда файзли, обод, кўркам дам олиш даргоҳларига айланди. "Маржонсув" деб номланган яна бир сиҳатгоҳда даволанадиган пенсионерлар ва ногиронлар эса бундан кейин маъданли сувдан мунтазам равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Вилоятларда, туманларда бу борада яна бир яхши тадбир амалга оширилмоқда. Яъни жойлардаги ижтимоий ҳимоя муассасалари ва маҳалла бошқарувлари томонидан кексаларимизнинг Ватанимиз шаҳарлари ва зиёратгоҳлари бўйлаб саёҳатлари уюштирилмоқда. Жумладан, вазирлигимиз, "Нуроний" жамғармаси ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан олис қишлоқларда яшовчи 23 минг нафардан зиёд фахрийларнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши сингари улкан тарихий шаҳарларга саёҳатлари, юз минг нафардан зиёд кекса авлод вакилларининг вилоятлардаги муқаддас қадамжоларга зиёратлари ташкил этилди. Шу саёҳатлар пайтида қарияларимиз мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, кўпдан-кўп бунёдкорлик мўъжизалари билан танишишга муваффақ бўлмоқдалар.

Кекса авлодни ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштиришда 2007 — 2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури алоҳида аҳамиятга эга. Худди шу дастурдан келиб чиққан ҳолда, вазирлигимиз ҳамда жойлардаги ижтимоий таъминот ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 30 минг нафар ёлғиз кекса ва ногиронлар рўйхатга олиниб, улар ҳар тарафлама тўлиқ ижтимоий ҳимоя қилинадиган бўлди. Жумладан, 2009 йил давомида ана шу рўйхатдагилар 1 миллиард 647 миллион сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланди.

Шунингдек, ушбу дастур доирасида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 22 минг нафарга яқин ёлғиз пенсионер ва ногиронларнинг бевосита хонадонларига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкил этилди. 1617 нафар ёлғиз кексанинг уй-жойлари бепул ва кўнгилдагидай таъмирлаб берилди. 30 мингдан зиёд ёлғизлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиб, уларнинг стационар шароитда даволанишга муҳтож қисми шифохоналарга ётқизилиб, бепул соғломлаштирилди. Қолганлари, шифокорлар тавсиясига кўра, давлат томонидан 296 миллион сўмлик миқдорда дори-дармонлар билан таъминландилар.

Республикамизнинг 122 та туман ва шаҳарларида "бепул транспорт тизими" жорий этилиб, бу йўналишда 8250 нафар ёлғиз кексага имтиёзли транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилганлигини ҳам айтиш жоиз.

Бундай ижтимоий хизмат турлари ва шакллари жуда кўп. Масалан, ўтган йили 10 минг нафар ногирон протез-ортопедия маҳсулотлари, 3 минг нафари — ногиронлар аравачалари, 1,5 минг нафар ногирон — эшитиш мосламалари билан таъминланди. Булар, бир қарашда, нисбатан майда хизматдай бўлиб туюлади. Бироқ бундай хизматларнинг барчаси йиғиб келинганида ва маблағга чақиб кўрилганида, бу воситалар учун давлатимиз ўз бюджетидан неча юз миллионлаб сўм маблағни беғараз сарфлаганлигини ҳам бир ўйлаб кўрайлик. Давлатимизнинг ушбу саъй-ҳаракати замирида инсонга бўлган юксак эҳтиром ва самимий инсонпарварлик тамойили мужассам.

Ҳаётимизнинг чуқур ижтимоий йўналтирилганлиги, ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт, турмуш фаровонлиги барқарор асосларда ривожланаётганлиги — буларнинг барчаси давлат тараққиётининг ўзбек модели жозибадорлигини кўрсатмоқда ва дунёда кўпларнинг ҳавасини келтирмоқда.

**Ботир АЛИМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари.**

### *Аҳоли бандлиги:*

# ИШОНЧ ВА КАФОЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳозирги иши билан боғлиқ, қолган 60,8 фоизи иш жойларини алмаштиришган.

Сўров натижалари иштирокчиларнинг 60 фоизи олий ўқув юрти ёки коллежда олган мутахассисликлари бўйича ишлашини кўрсатди. Кўпчилик ўзи меҳнат қилаётган корхона (муассаса, фирма, қўшма корхона, фермер хўжалиги) фаолиятини қониқарли, деб баҳолайди. Уларни ходимларга тўланаётган маош миқдори, жамоадаги ва раҳбарлар билан бўлган ўзаро муносабатлар, ишхонанинг қулай жойлашганлиги тўла қаноатлантиради.

Тадқиқотга жалб этилганларнинг 67 фоизи ўз касб маҳоратларини мунтазам ошириб боришади. Шу мақсадда улар ҳамкасблари билан тажриба алмашишади, махсус адабиётлар билан танишишади, малака ошириш курсларида ўқийдилар.

Шунингдек, саволларга жавоб берганларнинг аксарияти — 96,8 фоизи олаётган маошидан рози (тўлиқ, асосан ва қисман) эканлигини кўрсатди. Бу эса Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганидан даракдир. Зеро, 2009 йилда мамлакатимизда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ўртача иш ҳақи эса 40 фоизга кўпайди.

Бугунги шароитда бандлик масалаларини муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим шартларидан бири — одамларнинг касб лаёқати, яъни уларнинг эҳтиёждан келиб чиқиб янги мутахассисликларни эгаллай олиш қобилиятидир. Сўров иштирокчиларининг 70 фоиздан кўпроғи, агар зарурат туғилса, шундай йўл тутишга тайёр эканликларини билдиришган.

Ҳар қандай корхона ва ташкилотдаги меҳнат жараёнларининг ажралмас қисми ҳам иш берувчилар, ҳам ходимлар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этишдир. Сўровлар шуни кўрсатдики, иш берувчилар меҳнат муносабатлари масаласида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши ўзлаштиришган бўлса, ишловчиларнинг бу борадаги билими анча саёз. Уларнинг 54,2 фоизи ўз ҳақ-ҳуқуқларини жуда юзаки, фақат бештадан биттасигина яхши билади.

Сўров иштирокчиларининг кўпчилиги ишидан айрилиб қолишдан қўрқмайди. Чунки ўзининг керакли мутахассис эканлигига, штатлар қисқаруви натижасида ишдан кетган тақдирда ҳам бошқа ташкилотга шу мутахассислик бўйича ишга жойлашишига ишонади. Улар агар бошқа жойда иш топилмай қолса, ёрдам сўраб қариндошларига ёки маҳалла фаолларига мурожаат қилишларини айтишган. Фақат 41,8 фоиз иштирокчигина бундай ҳолларда ишни меҳнат биржалари орқали қидиришини билдирган.

Тадқиқот давомида энг нуфузли касблар рейтинги ҳам тузилди. Сўров қатнашчиларининг фикрларига кўра, бундай касбларга тиббиёт (67 фоиз), педагогика (49,6 фоиз), иқтисодиёт (35,2 фоиз) ва ҳуқуқшунослик (26 фоиз) билан боғлиқ мутахассисликлар киради. Бу касбларнинг нуфузи, аввало, маош миқдорининг кўплиги (70 фоиз), уларга бўлган эҳтиёжнинг катталиги (38 фоиз) ҳамда жамиятдаги мавқеи (19,2 фоиз) билан белгиланади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров иштирокчиларининг асосий қисми мамлакатимизда бандлик масаласи муваффақиятли ҳал этилаётганини Юртбошимизнинг улкан инсонпарварлик фаолияти билан боғлаганлар ва мавжуд қийинчиликларга, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, республикамизда яна юз минглаб янги иш ўринлари яратилишига ҳамда аҳоли фаровонлиги мунтазам равишда ошиб боришига ишонч билдиришган.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Ильдар МУДАРИСОВ тайёрлади.**



# САМАРҚАНД ЛИФТЛАРИ – ЭКСПОРТГА

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланмоқда.***

Айниқса, уларга чет эл инвестицияларининг жалб этилаётгани ўз самарасини бераётир. Хусусан, "Самарқанд лифтсозлик заводи" очиқ акциядорлик жамиятига Россия Федерациясининг "Перевест — инвест" акциядорлик жамияти томонидан 7,26 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилиши бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини яратди. Лифтсозлар ушбу маблағни корхона цехларини капитал таъмирлаш ҳамда янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфлашди. Бу эса, ўз навбатида, кемалар учун махсус лифт тайёрлашни йўлга қўйиш баробарида, корхона экспорт салоҳиятини ҳам оширяпти.

**Модернизация**

Ҳозирда корхона маҳсулотлари Ҳамдўстлик давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ҳаётидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

***Маълумки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз АҚШ ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик натижасида юзага келган бўлса-да, унинг мислсиз даражада авж олишига йирик банкларнинг ҳамда молиявий тузилмаларнинг ликвидлик даражаси, яъни мижозлар талаби бўйича тўловларни амалга ошира олмай қолганлиги асосий туртки бўлди. Ваҳолонки, банклар фаолиятининг энг муҳим мезонларидан бири мижозлар эҳтиёжини ўз вақтида қондиришдир.***

# БАНКЛАР БАРҚАРОРЛИГИ

## иқтисодий ривожланишга хизмат қилади

Бироқ инқироз оқибатлари шуни кўрсатдики, аксарият молия муассасалари маблағларини турли мақсадларга йўналтириб, ўзларининг асосий юмуши — банк амалиётини, жумладан, мижозларни вақтида етарлича маблағ билан таъминлашда қийинчиликка дуч кела бошлади.

Дунёдаги йирик банклар мижозлар талабини бажара олмай, банкротлик ёқасига бориб қолди. Энг ёмони, кенг жамоатчиликнинг улар фаолиятига бўлган ишончи кескин пасайди. Бу эса одамларни банклардан имкон қадар тезроқ маблағларини қайтариб олишга ундади. Оқибатда, молиявий масалаларни ёритадиган "Блумберг" нашрининг маълумотига қараганда, дунёдаги банклар 2008 йилда 2,8 триллион АҚШ доллари (!) миқдорида зарар кўрган.

Инқироз келтирган улкан иқтисодий талафотлар, молиявий тизимнинг қарийб ишдан чиққанлиги дунё миқёсида банклар фаолиятига бўлган талабни янада кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Умуман, жаҳонда банкларнинг ликвидлик даражаси, яъни тўлов қобилияти бўйича бир қатор талаблар мавжуд. Хусусан, молия муассасалари мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитасининг йўриқномалари ҳам дунёнинг кўплаб давлатларида тавсия тариқасида амалиётга татбиқ этилади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керак, 1974 йилда ташкил этилган Базель қўмитасининг асосий мақсади банклар фаолиятини тартибга солиш бўйича ягона меъёрни ишлаб чиқишдир. Шу кунгача қўмита томонидан "Базель I" (1994 йилги ушбу қоида 2006 йилда қайта кўриб чиқилган) ҳамда "Базель II" (2004 й.) деб номланган қоидалар яратилган. Улар, гарчи давлатлар учун мажбурий аҳамият касб этмаса-да, лекин тавсия этилган қоида ва меъёрлар, аксарият ҳолларда, миллий қонунчиликда ўз ифодасини топади. Бугунги кунда "Базель II" халқаро стандарти жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатида қўлланилади. Мазкур қоидалар замирида, аввало, банклар хизматидан фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш устувордир. Яъни ҳар бир банк камида 8 фоиз миқдорида етарлилик даражасига — тўлов қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, банк таваккалчилиги, яъни зарар кўриш эҳтимоли юқори бўлган молиявий фаолият юзасидан ҳам аниқ тавсиялар берилган.

Бироқ бу талабларга барча молия тузилмалари, айниқса, йирик банкларнинг етарлича эътибор қаратмагани, энг ёмони, "бозор эркинлиги" важи билан кўплаб мамлакатларда банклар фаолиятининг Базель қўмитаси тавсияси бўйича назоратга олинмагани жаҳон иқтисодиётини мана шундай молиявий бўҳронга маҳкум этди, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Шу боисдан бугунги кунда халқаро ҳамжамият банклар фаолиятини ислоҳ қилиш керак, деган масала устида қизғин баҳс-мунозара юритмоқда. Бу борада, ҳатто, дастлабки қадамлар ҳам ташланаётир. Жумладан, Базель қўмитаси "Катта йигирмалик"ка аъзо давлатларнинг кўрсатмаси асосида банклар фаолияти бўйича янги тавсияларни ишлаб чиқди. Ҳозирча ушбу тавсиялар 2012 йилдан амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилмоқда. Унга кўра, банкларга талаб янада кучайтирилади. Шунингдек, улардан молиявий аҳволи яхшиланган пайтда эҳтимолий молиявий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида захира фондлари ташкил этиш ва бундай фондларнинг энг қуйи миқдорини кўпайтириш талаб этилади.

Шу ўринда мамлакатимизда Базель қўмитаси тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида бу борада эришилган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди.

**Шарҳ**

Қайд этилганидек, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз банк-молия тизими фаолияти янада мустаҳкамланди. Жумладан, сўнгги икки йилда тижорат банкларимизнинг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи молия муассасаларининг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағи йўналтирилди. Пировардида буларнинг барчаси банкларимиз капитали етарлилик даражасининг 23 фоиздан ошишига хизмат қилди. Энг муҳими, бу халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир. Бундай саъй-ҳаракатлар, табиийки, мамлакатимиз банкларига халқаро рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларини олишига замин яратди. Хусусан, умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки "Фитч Рейтингс", "Мудис" ва "Стандарт энд Пурс" каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди. Агар инқироз шароитини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу натижалар диққатга сазовордир.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида жаҳон банк-молия тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўрсатиб берган эди. Юртбошимиз "...бу инқироз ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади", дея бу борада давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши зарурлигига алоҳида урғу берган. Мазкур фикрнинг нечоғли тўғри эканлигини шу кунларда жаҳон ҳамжамияти муҳокама қилаётган масалаларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг 22 январида АҚШ президенти томонидан илгари сурилган янги ташаббусга кўра, банк тизими жиддий ислоҳ этилиши белгиланган. "Инқироз сабоқлари" дея баҳоланаётган бу ислоҳотларга биноан, банкларнинг молиявий бозорда ўз маблағлари ҳисобидан турли амалиётлар билан шуғулланиши тақиқланади. Бундай тадбирларга фақат мижозлардан жалб қилинган маблағлар билангина иштирок этишга йўл қўйилади. Шунингдек, бундан кейин банкларнинг йириклашишига қарши чоралар кўрилиши ушбу ислоҳотнинг асосий қисми ҳисобланади. Негаки, банк қанча катта бўлса, шунчалик хавф ортади. Масалан, дунёдаги энг йирик банклардан бири "Ситигруп"нинг банкрот бўлиши АҚШ банк-молия тизимини издан чиқариб юбориши мумкин экан. Шу билан бирга, истиқболда битта банкнинг ҳам инвестиция, ҳам банк амалиётлари билан шуғулланиши чекланиши мумкин.

Гарчи, бу режалар молиячиларнинг кескин норозилигига сабаб бўлаётган эса-да, дунёнинг кўзга кўринган вакиллари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, "The Wall Street Journal" нашрига интервью берган Европа марказий банки раҳбари Жан-Клод Трише мазкур ташаббуснинг "долзарб" эканлигига алоҳида эътибор қаратиб, "Банк тизимининг асосий вазифаси реал иқтисодиётни молиялаштиришдир", дея қайд этади.

Умуман, дунёда кечаётган ушбу жараёнлар тараққиётнинг биз танлаган "Ўзбек модели" йўли ўзини тўла оқлаганини кўрсатмоқда. Чунки банклар фаолиятининг миллий қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилгани, мижозлар манфаати қонун асосида давлат ҳимоясига олингани бугунги глобал таназзул пайтида жуда қўл келди. Айни пайтда молиявий бўҳроннинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминламоқда, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда ўзининг амалий самарасини бермоқда. Бундай ижобий натижалар келгусида ҳам изчил давом этишига шак-шубҳа йўқ.

**Қобил ХИДИРОВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Кўпорувчилик оқибати

***Кобул шаҳрида бир вақтнинг ўзида бир нечта кўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилди.***



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, "Толибон" ҳаракати вакилларининг шаҳар марказида ўзини портлатиб юбориши натижасида 7 киши ҳаётдан кўз юмган, йигирмадан ортиқ одам жароҳатланган. Ҳудуддаги биноларга жиддий зарар етган.

Маҳаллий полиция кўпорувчилар тўрт киши бўлганлигини маълум қилди.

### Фабрикада ёнғин

***Бангладешдаги "Garib & Garib Sweater Factory" деб номланган тикувчилик фабрикасида ёнғин рўй берди.***

Манбада келтирилишича, бахтсиз ҳодиса 18 кишининг умрига зомин бўлган, элликдан ортиқ одам куйиш асоратлари билан шифохонага ётқизилган.

Воқеага корхонадаги электр тармоғида юзага келган носозлик сабаб бўлган. Ўт ўчирувчилар "тилсиз ёв"ни уч соатдан кўпроқ вақтда бартараф этишга эришганлар.

### Энг қадимги тоғ

***Бир гуруҳ олимлар ер юзидаги энг қадимги тоғни топишга муваффақ бўлдилар, дейилади "Nature Geoscience" журнали хабарида.***



Тадқиқот ишлари Австралия ғарбидаги Пилбар шаҳри ҳудудида олиб борилган. Қияликлардан иборат мазкур тоғ 4,3 миллиард ёшга тенг экан. Шу пайтгача энг қадимги тоғ 4,03 миллиард йилга тенг эди.

Бир неча ой илгари Канаданинг Квебек музофотидан ҳам 4,28 миллиард йиллик ясси тоғ тури топилганди. Бироқ уларнинг қай бири ҳақиқий маънода қадимий эканлиги қўшимча тадқиқотлардан сўнг аниқ бўлади.

### Молиявий аҳволини сақлаб қолмоқчи

***Шу йилнинг март ойида Буюк Британиянинг "Би-Би-Си" корпорацияси фаолиятида баъзи ўзгаришлар рўй бериши мумкин.***

"The Times" газетасининг ёзишича, ташкилот, биринчи навбатда, интернет тармоғидаги саҳифаси ҳажмини қисқартирмоқчи. Бундан ташқари, иккита рақамли радиостанцияси фаолиятини ҳам тўхтатиши мумкин. Ҳозирча корпорация раҳбарлари бунга ҳеч қандай изоҳ билдирмаганлар. Бироқ таҳлилчилар ташкилот шу йўл орқали молиявий аҳволини сақлаб қолиш ниятида, деган фикрдалар.

### Янги ташкилот тузилади

***Тинч океани минтақасида яшовчи саккиз давлат балиқ овлашни янада самарадорлигини янада ошириш мақсадида янги ташкилот тузмоқчи.***

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, бу борадаги келишувга саккиз давлат раҳбарлари иштирокида Палау Республикаси пойтахтида ўтказилган йиғилишда эришилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, хорижий компанияларга Тинч океани ҳудудидан балиқ тутишда қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.



Эслатиб ўтамиз, Тинч океани минтақасига Микронезия Федератив Штатлари, Кирибати, Маршалл ороли, Науру, Палау, Папуа-Янги Гвинея, Соломон ороли ва Тувалу давлатлари киради.

### Айсберг кўчкиси

***Антарктида қирғоғидаги Мерц музликларида улкан айсберг кўчкиси кузатилди.***

Унинг майдони 2,5 минг квадрат километрга тенг. Олимларнинг таъкидлашича, айсберг бошқа бир улкан музликнинг тўқнашуви натижасида кўчиб кетган бўлиши мумкин. Унинг океан оқимига таъсир кўрсатиши эҳтимоли борлиги айтилмоқда.

### Олимлар эътирофи

***"The New Scientist" нашрида ёзилишича, жаҳонда кўплаб киномухлисларнинг эътиборини тортган "Аватар" фильми олимлар учун янги кашфиётларга замин яратмоқда.***



Гап шундаки, фильмда Пандора сайёрасидаги ҳаёт тасвирланади. Даниялик олим Ларс Петер Нильсен ундаги илмий-фантастик воқеалар реал асосга эгалигини билдирди. Унинг фикрича, асарда бактерияларнинг электрон билан бирикиши ҳолати ҳақиқатга тўғри келади.

### Поезд изидан чиқиб кетди

***Канадада йўловчи поезди изидан чиқиб кетди.***

Ҳалокат Квебек Сити шаҳридан 20 километр узоқликда рўй берган. "Via Rail" компаниясига тегишли ушбу транспорт воситаси Галифакс ва Монреаль шаҳарлари йўналишида ҳаракатланаётган эди. Унда жами 130 нафар йўловчи бўлган. Бахтли тасодиф туфайли улардан ҳеч бири ҳалок бўлмаган, жароҳатланганлар бор.

Айни пайтда воқеага ойдинлик киритилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ўзгартиришга, янгилашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилаяпти ва бу жараён ўз самарасини бермоқда. 2009 йил ислоҳотлар чуқурлашувида, барқарор ривожланишимизда навбатдаги, ҳар жиҳатдан фахрлансак арзийдиган яна бир босқич бўлди. Ўтган йил жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирозлар давом этаётган оғир бир шароитда кечди. Жараёнларнинг мураккаблигига қарамасдан, Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўрилган тадбирлар, собитқадамлик билан амалга оширилган ишлар натижасида, мамлакатимиз ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳар томонлама барқарор сақлаб қолди.***

# ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Аввало, инқироз таъсирида кўпгина давлатлар иқтисодиётида тўхтатиб бўлмас бир ҳолатда ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, маҳсулотлар ҳажми камайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9 фоизга кўпайди. Қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизга етди. Бошқа ўсиш рақамларини келтирмасак-да, устувор йўналишларга хос ушбу рақамларнинг ўзи ҳозирги пайтда ғоятда муҳимдир.

"Кўплаб давлатлар глобал инқироздан азият чеккан бир пайтда Ўзбекистон иқтисодий ўсишга эришди, — деб таъкидлади Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жанубий Кореяга ташрифи кунларида. — Бу ютуқ, албатта, доно раҳбарнинг раҳнамолигида қўлга киритилди. Инқирозга қарши чоралар борасида Ўзбекистон, ўйлайманки, кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин".

Инқироз гирдобидаги бошқа мамлакатларда бугунги куннинг тирикчилик ташвишлари одамларни ваҳимада ушлаб турибди. Бизнинг диёримизда эса ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг янгидан-янги марралари эгалланмоқда. Бунинг яққол мисолларидан яна бири шуки, 2009 йил Ўзбекистонимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталди ҳамда бу йилда қишлоқда турмуш даражасини тубдан яхшилаш, қишлоқ аҳлини ҳам шаҳарликларнинг обод шароитига эриштириш — давлатимиз катта аҳамият берган масалалардан бирига айланди. Шу мақсадлар учун 2009 йилда 2 триллион 640 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу улкан маблағ ҳисобидан бажарилган ишлар заминимизга ободлик келтирди, замонавий лойиҳалар асосида қурилган муҳташам кошонадай уй-жойлар, янги таълим ва тиббиёт муассасалари, бошқа турли ижтимоий-маданий инфратузилмалар, кенг ва равон йўллар қишлоқларимиз кўркини янада оширди. Қишлоқни ўзгартиришга қаратилган бунёдкорлик ишлари кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилади ва кенгайтирилади. Чунончи, 2010 йилда мамлакатдаги жамики 159 та қишлоқ туманларида 7 минг 630 та коммунал замонавий уй-жойлар, таълим-тарбия ва тиббиёт муассасалари бунёд этилади. Шу мақсад-

**Мушоҳада**

лар учун 470 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил юртимизда "Баркамол авлод йили" деб ном олди. Фаровонликка юз тутган ва фаровонлиги барқарор юксалиб бораётган юртдагина бундай улуғ мақсад ва дастурлар қабул қилинади. Фарзандларимизнинг XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш вазифаси халқимизнинг маънавий фаровонлигини янада юксалтириш мақсадларига чуқур ҳамнафасдир. Ушбу йил Дастурини амалга ошириш учун 8 триллион сўм атрофидаги маблағ сарфланиши мўлжалланмоқда. Давлат бюджетимизнинг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатда тиббиёт ва таълимни ривожлантиришдек эзгу мақсадлар учун ишламоқда. Бошқа мамлакатлар амалиётида учрамайдиган бундай улкан миқдордаги маблағ ажратмалари ёрқин истиқболимизнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятлидир.

Умуман, Ўзбекистоннинг ибратли тажрибалари Истиқлолнинг биринчи кунларида, янги ҳаёт асосларини шакллантиришга қаратилган илк ислоҳотлардаёқ кўзга ташланган эди. Тўғри, ислоҳотлар биз қатори мустақилликка эришган барча олис ва яқин қўшни давлатларда ҳам бошланди. Аммо ислоҳотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти, тамойилларида кескин фарқлар бор эди. Кўпгина ён қўшниларимиз янги ҳаётларини шакллантиришда фақат "Ислоҳот — ислоҳот учун" шиорига амал қилишди. Халқни, унинг ислоҳотларга тайёрлик даражасини инобатга олишмади. Оқибатда, "карахт қилиб даволаш" амалга ошди, норозиликлар кучайди, ислоҳотларга қарши шиорларни кўтариб кўчаларга чиқишди. Бундай шошқалоқлик билан бошланган ислоҳотларни ҳаёт тез орада рад этди.

Бизда, аксинча, илк қадамларданоқ "Ислоҳотлар — инсон учун ва унинг манфаатлари учун" шиорига қатъий амал қилинди. Бундай йўналишдаги ислоҳотларга Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётимизнинг машҳур беш тамойили асос бўлди. Иқтисодиётнинг мафкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни обдан ўйлаб, босқичма-босқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган бу тамойиллар бугунги кунда ҳам бизнинг ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадлар сари илгарилаб боришимизда дастуриламал бўлиб қолмоқда. Кўриниб турибдики, мазкур беш тамойилнинг ҳар бир қоидаси пурҳикмат, ҳар бири узоқни кўзловчи стратегик асос ва бебаҳо қадриятдир.

Истиқлол йилларида ғалла, ёнилғи-энергетика, автомобилсозлик ва бошқа соҳаларда бекиёс муваффақиятларга эришилди. Бугун мамлакатимиз ягона ички йўл тизимига тўла эга бўлмоқда. Бундай тизимнинг яратилиши йўлларимизнинг дахлсизлиги ва самарадорлигини оширмоқда.

Ватанимиз равнақини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун Президентимиз раҳнамолигида диёримизда олиб борилаётган улуғ ва кенг қамровли ислоҳотлар, шу асосда юксалишларга эришаётганимиз халқимизни руҳлантиради, унга куч-ғайрат бағишлайди, озод ва обод келажагимизга бўлган ишончу эътиқодини янада мустаҳкамлайди. Бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг жаҳон узра мавқеини янада баланд қилади. Дунёнинг бизга бўлган қизиқишини ва эътиборини тобора кучайтиради.

**Михли САФАРОВ,**
**шарҳловчи.**

# КИЧИК БИЗНЕС — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш бўйича пухта назорат олиб борилаётир. Жумладан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан ўтган йилнинг иккинчи ярмида кичик бизнес вакилларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларда қарор талабларини бажариш юзасидан мониторинг ишлари олиб борилди. Натижада 13 та ҳолатда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол этилгани аниқланди. Бу ҳолатлар бўйича ортиқча ундирилган 6 миллион сўмдан зиёд маблағ тадбиркорлик субъектларига қайтарилишига эришилди.

Тадбиркорларга ушбу қарор мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида доимий равишда семинар ва давра суҳбатлари ўтказилаётгани диққатга сазовордир. Бундай саъй-ҳаракатлар меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашда, асосийси, кичик бизнес субъектлари вакилларининг ҳуқуқий маданияти юксалиши ва уларнинг сафи кенгайишида айни муддао бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борадаги чора-тадбирлар жадал давом эттирилаяпти. Кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш эвазига йил охирига қадар 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Бу эса вилоятда ишлаб чиқариладиган ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 71,8 фоизга етишини таъминлайди. Зеро, юртимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилган қулай шарт-шароитлар иқтисодиётимизнинг янада юксалишига, турмушимизнинг фаровон бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ АСРАШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан "2010 йил — Халқаро биохилма-хиллик йили" деб эълон қилинган. Бу бежиз эмас.***

Чунки кейинги йилларда жаҳонда иқлим ўзгариши, экологиянинг ёмонлашуви ва бошқа қатор муаммолар оқибатида наботот ва ҳайвонот оламининг баъзи турлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Жорий йилда жамоатчилик эътиборини экологик муаммонинг мана шу жиҳатига қаратиб, ўсимлик турларини сақлаб қолиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Қувонарлиси, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биохилма-хилликни асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган "Мевали дарахтлар ва ўрмонлар биохилма-хиллигидан самарали фойдаланиш ва сақлаш" мавзуидаги матбуот анжуманида ҳам бу алоҳида эътироф этилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "UNEP-GEF" ва "Bioversity International" халқаро ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон кўплаб маданий ўсимликларнинг ватани ҳисобланади. Тоғли ҳудудларда мевали дарахтларнинг 30 дан ортиқ ёввойи турлари мавжуд. Айниқса, олма, ёнғоқ, бодом, олча каби турлар кенг тарқалган. Улар ноқулай об-ҳаво ва турли касалликларга чидамлилиги боис янги

**Анжуман**

навлар яратишда фойдаланилади. Бироқ сўнгги йилларда маҳаллий навлар камайиб кетиши серҳосил навлар яратиш ишларини ҳам ортга суриб юбораётгани ачинарлидир.

Юртимизда ҳозирги кунда табиий бойликларни асраш, ўрмончиликни ривожлантириш борасида ҳуқуқий асослар яратилган, қатор халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилган. Хусусан, 2006 йилдан буён "UNEP-GEF", "Bioversity International" халқаро ташкилотлари кўмагида "Марказий Осиёда агробиохилма-хиллик (мевали дарахтлар ва уларнинг ёввойи ҳолда ўсувчи аждодлари)ни сақлаш ва ундан фойдаланиш" минтақавий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг доирасида ўтган вақт мобайнида ўсимликларни табиий шароитда сақлаш, генетик хилма-хилликни фермер хўжаликларида жорий этиш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

— Олиб борилган изланишлар натижасида олма, ўрик, анор, узум сингари 8 та мевали дарахтнинг маданийлашган турлари ўрганилиб, 262 та маҳаллий нави аниқланди, — дейди Ўзбекистон ўсимликшунослик институтининг бўлими бошлиғи Карим Бойметов. — Уларни парваришлаш учун тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, республикамиздаги боғдорчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларида бу навларни оммалаштириш учун 22 та кўргазмали боғ ва кўчатзорлар барпо этилди. Бунда ҳар бир вилоятнинг иқлим шароити эътиборга олинган.

Анжуман давомида мутахассислар томонидан йиғин иштирокчиларига лойиҳа асосида бажарилган ишлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2010 йил 30 март** — **ЭЪЛОН!** — **соат 10.00 да**

ВШ-701 «Тошкент — Бухоро», Бухоро томонидан
ВШ-709 «Тошкент — Янгиер», икки томондан
ВШ-724 «Наманган — Қўқон», икки томондан
ВШ-745 «Тошкент — Пахтакор», Пахтакор томонидан
ВШ-753 «Андижон — Наманган», Наманган томонидан
ВШ-761 «Марҳамат — Қува», икки томондан
ВШ-762 «Навоий — Тошкент», икки томондан
ВШ-771 «Наманган — Марғилон», икки томондан
ВШ-772 «Тошкент — Қарши», Тошкент томонидан
ВШ-776 «Қарши — Термиз», Термиз томонидан
ВШ-809 «Навоий — Зиёдин», икки томондан
ВШ-818 «Тошкент — Шаҳрисабз», Тошкент томонидан
ВШ-820 «Олмалиқ — Самарқанд», икки томондан
ВШ-835 «Андижон — Марғилон», икки томондан
ВШ-841 «Тошкент — Арнасой», Арнасой томонидан
ВШ-856 «Гулистон — Бекобод», Гулистон томонидан
ВШ-881 «Тошкент — Жума», Тошкент томонидан
ВШ-886 «Усмат — Самарқанд», икки томондан
ВШ-894 «Тошкент — Жўш», Тошкент томонидан
ВШ-930 «Тошкент — Ғаллаорол», икки томондан
ВШ-943 «Тошкент — Нуробод», икки томондан
ВШ-960 «Тошкент — Қўйтош», икки томондан
ВШ-1022 «Тошкент — Денов», Денов томонидан
ВШ-1040 «Урганч — Денов», Денов томонидан
ВШ-1053 «Тошкент — Бешкент», икки томондан
ВШ-1061 «Тошкент — Манғит», икки томондан
ВШ-1082 «Тошкент — Жарқўрғон», Тошкент томонидан
ВШ-1108 «Тошкент — Бойсун», икки томондан
ВШ-1111 «Тошкент — Мирбозор», икки томондан
ВШ-1127 «Ургут — Денов», икки томондан
ВШ-1128 «Тошкент — Чироқчи», икки томондан
ВШ-818_Т «Тошкент — Шаҳрисабз», Тошкент томонидан
ВШ-1082_Т «Тошкент — Жарқўрғон», икки томондан
ВШ-1094_Т «Тошкент — Тўрткўл», икки томондан
ВШ-717-ЙТ «Жиззах — Самарқанд», икки томондан
ВШ-724-ЙТ «Наманган — Қўқон», икки томондан
ВШ-726-ЙТ «Чуст — Қўқон», икки томондан
ВШ-731-ЙТ «Денов — Шаҳрисабз», Денов томонидан
ВШ-732-ЙТ «Бухоро — Қарши», Бухоро томонидан
ВШ-737-ЙТ «Поп— Қўқон», икки томондан
ВШ-774-ЙТ «Чодак — Қўқон», икки томондан
ВШ-848-ЙТ «Термиз — Самарқанд», икки томондан
ВШ-905-ЙТ «Ҳазорасп— Тўрткўл», Ҳазорасп томонидан
ВШ-1006-ЙТ «Пахтакор — Накрут», икки томондан
ВШ-1122-ЙТ «Хива — Қўнғирот», икки томондан
ВШ-1124-ЙТ «Челак — Пахтакор», икки томондан
ВШ-1125-ЙТ «Қўшработ — Пахтакор», икки томондан
ВШ-1126-ЙТ «Бойсун — Самарқанд», икки томондан

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Агробанк» АТБдаги 20210000300745005044 махсус ҳисоб рақами (банк коди: 00394, СТИР: 202811527, ХХТУТ: 97300)га 35 минг сўм ўтказиб, 2010 йил 25 мартгача буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2010 йил 29 март соат 18.00 гача қабул қилади.**

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-уй, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 241-56-27, 241-18-10.**

156R/248

Alliance Insurance
СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ



"ALLIANCE INSURANCE"

суғурта ташкилоти сизнинг корхонангизни ҳар қандай қалтисликлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги суғурта хизматларини таклиф этади:

- транспорт воситаларини суғурталаш;
- юкларни суғурталаш;
- қурилиш-монтаж ишларини суғурталаш;
- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш;
- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- ихтиёрий тиббий суғурталаш;
- хорижга чиқувчи шахсларни тиббий суғурталаш;
- мол-мулкни барча қалтисликлардан суғурталаш;
- профессионал жавобгарликни суғурталаш ва бошқалар.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 35-уй.
Телефон: 120-71-00. Факс: 120-70-01.
www.a-insurance.uz

158R/17

***Ташкилот «MOTOROLA», «VERTEX», «ASELSAN», «POSBON» радиостанциялари, телефон аппаратлари, тезкор алоқа пультлари, станциялари, сигнал-овоз кучайтириш мосламалари учун эҳтиёт қисмлар ва жамламалар етказиб бериш бўйича таклифларни қабул қилади.***

**Маълумот учун телефон: (8-371) 233-44-78.**

153R/175

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси масъул ходим В. Б. Воҳидовга онаси

**САБОҲАТ аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳ. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти жамоаси собиқ етакчи илмий ходим, геология-минералогия фанлари доктори

**Кенжамурод Аҳмедович АЛИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси жамоаси Тошкент магистраль газ қувурлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Абдухолиқ РАИМЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Барҳаёт сатрлар

ЗУЛФИЯ

## КЕЛ, БАҲОР!

*Кел, баҳор, қуриган саҳрога*
*Илк ёмғир берар гулсимон, кел!*
*Айланмай қон дилда сафрога,*
*Жонлансин, энг қодир ҳаёт бер!*

*Тарса-тарс ёрилган чўллардек,*
*Юрак чоғ, бутунмас,*
*минг бир дарз.*
*Томир ҳам қатқалоқ йўллардек,*
*Қоқилса, чап бериб яшаш фарз.*

*...Сарғаймас баҳордек диёрим*
*Қадамин ларзасин илғай мен.*
*Яшартиб бу кўҳна дунёни,*
*Довруғлар солганинг билай мен.*

*Ҳеч баҳор, тупроқда уйғониш*
*Ўтдими қалбимнинг ёнидан?*
*Баҳорда туғилдим!*
*Унга эш*
*Яшашнинг қонуни қонимда.*

*Қулочим етмайин қучишдан*
*Ўч, завқ-ла қўшиқлар югургум.*
*Иккимиз басма-бас юришдан*
*Ҳар сафар янгидан туғилгум.*

*Ҳар гал сен янги,*
*Фарзандлар кутар,*
*Мен навқирон,*
*Мен этсам тарк.*
*Баҳорни тарк этса бир инсон,*
*Жаҳон ҳам бўлмасми*
*жувонмарг?..*

*Кел, баҳор!*



## ДАРАХТ

*Бир дарахт турарди йўл чеккасида,*
*Шамол урар эди уни муттасил.*
*Аввал кўк, сўнг заъфар-хазон тусида,*
*Кўркини йўқотди... ҳамон урар ел.*

*Қурғади, букчайди курашда танҳо,*
*Зилол қонларидан қолмади зарра.*
*Шамол, шамол саваб қўймади аммо,*
*Илдиз-ла йиқилди охир бир зарбдан.*

*Энди ел бўшлиқда кезар дарбадар,*
*Танҳо қурбонининг қақшашин излаб...*
*Биламан, дарахтдай қуласам агар*
*Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб.*

# НАФОСАТ САРИ ИЛК ҚАДАМ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Санъатга қадам" мавзуидаги бадиий кўргазма бошланди.***

Кўргазма

Унда ёш мусаввир Рашид Хўжаниёзов асарлари намойиш этилмоқда.

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, унинг истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашишга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Кўргазмада Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Р. Хўжаниёзовнинг элликка яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҲОРАТ МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

***Бухоро шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Ҳусен Сафаров иқтидорли ёш полвонлардан бири. Турон яккакураши билан шуғулланади. Мураббийлар кўрсатмасини қиёмига етказиб бажаради ва мусобақаларни орзиқиб кутади. Негаки, ўзига ишонади. Шу ишонч унга омад келтираяпти. Ўтган йил декабрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди.***

— Спорт, аввало, соғлиқ гарови, — дейди чемпион. — Иродани мустаҳкамлайди. Қатъиятли бўлишга ўргатади. Қолаверса, спорт туфайли кўплаб дўстлар орттирдим.

Ҳа, спортнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти беқиёс. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда, жумладан, Бухоро вилоятида унинг оммавийлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, вилоятда 44 та спорт тури бўйича федерациялар ташкил этилган. Барчасига тажрибали мураббийлар бириктирилган. Ана шулардан бири Ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлимидир.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни равнақ топтириш, у орқали Ватанимизни дунёга танитиш, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди мазкур бўлим ижрочи директори, таэквондо бўйича фахрийлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Комил Шукуров. — Ҳозир қайси бир шаҳар ёки қишлоққа борманг, муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, спорт залларига кўзингиз тушади. Бир пайтлар буни тасаввур ҳам қила олмасдик. Давлатимиз фарзандларимиз камолоти учун барча шарт-шароитларни яратаяпти.



Комил ака қўл остида ҳозир 200 нафар ўғил-қиз жанг санъати сирларини ўрганмоқда. Вобкент ва Шофиркон туманларида ҳам шу спорт тури бўйича секциялар иш бошлади. Натижалар ҳам тобора яхшиланиб бораяпти. Масалан, яқинда мамлакат миқёсида ўтказилган мусобақада вилоят терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

— Хотин-қизларни спортга жалб этишда ҳам муайян ютуқларга эришаяпмиз, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг оммавий спортни ривожлантириш ва тадбирларни ташкил этиш бўлими бошлиғи Б. Ибрагимов. — Масалан, бултур вазирлигимиз томонидан белгиланган тақвимга асосан, республика миқёсида ўтказилган 30 та мусобақада 35 нафар хотин-қиз ғолиб ва совриндор бўлиб қайтди. Жойларда аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини белгиловчи "Барчиной" ҳамда "Алпомиш" мусобақаларини икки босқичда ташкил этиб, юқори савияда ўтказдик. Шу ўринда яна бир далил: турли даражадаги беллашувларда ўтган йили 45 минг нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Бу эса улар учун ўзига хос маҳорат синови вазифасини ўтади.

Муҳими, улар орасидан Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар етишиб чиқаяпти. Бухоро шаҳридаги 5-ихтисослашган Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчилари Сарвина Холиқова ҳамда Замира Саноқулова ана шундай иқтидор эгаси саналишади. Тажрибали мураббий Римма Хохловадан бадиий гимнастика сирларини ўрганаётган бу икки қиз жорий йил январь ойида Германияда бўлиб ўтган нуфузли халқаро турнирда мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этди. Мусобақа дастуридан ўрин олган барча машқларни бехато бажариб, олтин медалга сазовор бўлдилар. Яқинда пойтахтимизда ўтказилган XI Осиё чемпионатида ҳам Сарвина Холиқова бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси захирасига кумуш медални туҳфа этди.

Вилоятда спортнинг барча, хусусан, олимпия турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Аббос Атоев, Ришод Собиров, Мирали Шарипов, Нигина Бозорова сингари жаҳонда таниқли спортчиларга муносиб издошлар тайёрлаш Бухорода фаолият кўрсатаётган 36 та болалар ва ўсмирлар ҳамда 13 та ихтисослашган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби жамоаларининг асл мақсад-муддаосидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Истиқлол йилларида кулоллик санъатини ривожлантириш, унинг шуҳратини юксалтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритиб келинмоқда. Жумладан, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Кармана кулолларининг асарлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётганлиги бунинг тасдиғидир.***

# БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

## кулол қўлида санъат асарига айланади

Қадрият

Дарҳақиқат, бугунги кунда моҳир кулолларимиз қўлида сайқал топган кўза, лаган, коса, хурмача, хум, гултувак ва яна ўнлаб амалий санъат намуналари турли халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, мутахассису томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Қолаверса, ҳунармандлик буюмлари хонадонимизга ўзгача кўрк бериб турганлиги ҳам сир эмас. Ана шундай нодир санъат асарларини яратиб, эл назарига тушган истеъдодли кулоллардан бири Карманадаги Талқоқ маҳалласида истиқомат қилади. У кулолликни ҳаёт мазмуни, деб билган 78 ёшли Толиб ота Ҳамроевдир.

— Кулоллик бизга бобомерос, — дейди у. — Бир пайтлар отамнинг бобоси Муқум кулол, у кишининг отаси Ҳамро кулол ушбу ҳунар орқасидан рўзғор тебратганлар. Ҳисобласам, оилавий кулоллигимиз 150-200 йилдан буён давом этиб келаётган экан. Истиқлол йилларида бу соҳага эътибор кучайди. Биз ҳам яратилган имкониятлардан фойдаланиб, оилавий кулолликни ривожлантираяпмиз. Ўғилларим — Фарҳод, Анвар, Бахтиёр, Рашид ва Шодмонни ҳам шу соҳага йўналтирдим. Ўзларида қизиқиш бор экан, тинмасдан изланиб, билим ва маҳоратларини оширди.

Толиб ота ва унинг ўғиллари тайёрлаётган нафис, бежирим турли кулоллик буюмлари жуда харидоргир. Айниқса, тандирга талаб катта. Ота буни ҳисобга олиб, беш нафар ўғли қаторига 4 нафар набирасини ҳам жалб этди. Натижада буюртмалар ўз вақтида бажарилиб, мижозларга етказиб берилмоқда. Айни пайтда улар юксак санъат намуналарини яратишни ҳам эсдан чиқараётганлари йўқ. Ана шундай санъат намуналаридан бири улкан ҳажмдаги кўзалардир. Ушбу кўзалар нафақат салобати, балки қулайлиги ҳамда ўзига хос хусусияти билан эътибор қозонмоқда.

— Толиб отанинг кўзасида хислат кўп, — дейди кекса чорвадор Ҳасан бобо. — Ёз жазирамасида ушбу кўза асқотади. Унга сут ва қатиқ солсангиз, ҳар қандай иссиқда ҳам муздек тураверади. Рўзғорда, чўпон-чўлиқлар ўтовида бундай кўзалардан фойдаланиш алоҳида қадриятдир.

— Кулолликнинг сири ва машаққати кўп, — дейди отанинг тўнғич ўғли Фарҳод. — У кулолдан билимини доимо бойитиб боришни талаб этади. Маҳсулотга ранг бериш жараёнида бу билим қўл келади. Масалан, мис куйиндисидан кўк, темир куйиндисидан қизил, қўрғошин куйиндисидан оқ ранг пайдо бўлишини билмаган кулол барча меҳнатини елга совуриши мумкин. Боз устига, уларни қанча миқдорда, қачон қўшишни яхши билиш зарур. Касбимизнинг машаққати ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Ишимизнинг ҳар бир босқичида ўзига хос мураккабликлар бор. Мана, мисол учун, бўта гил тупроқни 80 километр узоқликдаги Қарнаб ота тоғидан олиб келамиз. Бу осон эмас, албатта...

Талқоқда Толиб ота сингари заҳматкаш кулоллар кўп. Айни пайтда улар миллий кулоллик ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Дарҳақиқат, бир ҳовуч тупроқдан бетакрор санъат асари яратаётган моҳир қўллар ҳар қанча олқишга муносибдир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

# «Насаф»нинг йирик ғалабаси

***Футбол бўйича Осиё чемпионлари лигаси ва кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоаларимиз учун гуруҳ баҳслари муваффақиятли бошланди. "Бунёдкор" ва "Пахтакор"дан сўнг "Насаф" ҳам ғалаба қозониб, ўзбекистонлик футбол мухлисларига қувонч бағишлади.***

ОФК кубогида қатнашаётган "Насаф" Ливан пойтахти Байрутда "Ал-Аҳад" жамоаси меҳмони бўлди. Эсингизда бўлса, ўтган йили "Нефтчи" сафарда гуруҳ учрашувларининг биринчи турида ушбу жамоага 1:5 ҳисобида имкониятни бой берган эди.

Аммо "Насаф" жамоаси майдон эгаларидан ҳар томонлама устун эканлигини амалда намойиш этди. Вакилларимиз Сергей Крот ва Илҳом Шомуродов (2 тадан) томонидан киритилган голлар эвазига йирик — 0:4 ҳисобида зафар қучдилар.

**У. ҲАКИМЖОНОВ.**

# Терма жамоага қабул қилиндилар

***Наманганда спортнинг бокс тури билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улардан бир гуруҳи Навоий шаҳрида 1992-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида юқори натижаларга эришди.***

Жумладан, вилоят олий спорт маҳорати мактаби тарбияланувчиси Фарҳод Исломов 90 килограммдан ортиқ вазндаги "чарм қўлқоп" усталари баҳсида рингга тушиб, барча рақибларини доғда қолдирди ва мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. 51 килограмм вазнли боксчилар курашида эса Бургут Ҳожибоевга тенг келадиган топилмади. Маҳоратли спортчи фахрли биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлди. Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Бобур Ғуломов оғир вазнда фақатгина финалда енгилиб, кумуш медаль билан кифояланди.

Эътиборли жиҳати, учала боксчи спорт устаси талабларини бажарган ҳолда, мамлакат терма жамоаси таркибига киритилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Газ ҳисоблагич:

# ҚУЛАЙ, ФОЙДАЛИ, ТЕЖАМКОР

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, жумладан, янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян натижаларга эришилмоқда.***

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли корхоналаримизда импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми йил сайин ортиб бораяпти. Эътиборлиси, бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётир.

Пойтахтимиздаги "ЎзФедералГаз" қўшма корхонаси республикамиз газ тақсимлаш тармоқларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва уларни тубдан таъмирлашни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Бунинг учун жаҳон стандартларига мос бўлган полиэтилен қувурлари ҳамда тўловни олдиндан ҳисоблайдиган электрон блокли газ ҳисоблагичларидан фойдаланиш назарда тутилган. Мазкур вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида мамлакатимизда айнан ана шундай маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланаяпти. Шунингдек, газ ҳисоблагичларининг барча қисмларини узлуксиз синовдан ўтказиш учун Туркия давлатидан тажрибахона мажмуасини ҳам олиб келиш режалаштирилган.

Тўловни олдиндан ҳисоблайдиган электрон блокли газ ҳисоблагичлари дастлаб Бектемир туманида тажриба тариқасида синовдан ўтказилди. Қисқа муддатли синов натижалари шуни кўрсатдики, бундай ҳисоблагичлар ўрнатилган ҳудудларда мижозларнинг фойдаланган табиий газ учун дебитор қарзларининг ҳаммаси тўланишига эришилди. Агар икки-уч йил ичида ушбу газ ҳисоблагичлари барча жойларда кенг қўлланилса, шубҳасиз, аҳолининг бу борадаги дебитор қарзларини камайтиришда янада ижобий натижаларга эришилади. Бундан ташқари, бундай ҳисоблагичлар газдан турли ҳолатда фойдаланилганда ҳам қанча миқдорда газ сарф қилинганини аниқ ҳисоблаб беради. Ваҳолонки, шу пайтгача мавжуд

Хизмат

жиҳозлар, айниқса, газ босими пасайган ҳолатларда бундай имкониятга эга эмас.

— Янги ишлаб чиқарилаётган газ ҳисоблагичлари, айтиш мумкинки, табиий газ сарфини ҳисобловчи энг самарали қурилмадир, — дейди "ЎзФедералГаз" қўшма корхонаси раҳбари Угур Курул. — Мутахассисларимиз мижозлар тўғрисидаги маълумотлар тизимини бошқариш бўйича компьютер амалий дастур мажмуини ишлаб чиқишган. Унга кўра, газ ишлатилишини марказдан туриб, аниқ вақтда назорат қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, мижозларнинг газ ҳисоблагичнинг кўрсатишига хилоф равишда иш тутишлари олди олинади, газ оқимини назорат қилиш таъминланади. Бу газнинг йўқолиши сабабларини ойдинлаштиришда жуда муҳимдир.



Мазкур тизимнинг баъзи ҳолатлари Бектемир туманидаги газ билан таъминлаш туман филиалининг мижозлар пунктида самарали амалга оширилмоқда. Мижоз пункти — газ таъминоти тизимининг барча шаҳар ва туман бўлинмаларидаги абонентларга хизмат кўрсатадиган жой бўлиб, бу ерда мижоз ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган газ ҳажмига аввалдан тўлов тўлайди. Гўёки газ хўжалигига маблағ ажратади. Бу маблағ мутахассислар томонидан мижознинг махсус картасига киритилади. Картанинг электрон блокка жойлаштирилиши натижасида истеъмолчи газ оқими билан таъминланади. Маблағ тугагач, газ оқими ўз-ўзидан тўхтатилади.

— Халқимизда "Ҳисобли дўст айрилмас", деган мақол бор. Ўхшатиш ўринли бўлса, бизнинг газ ҳисоблагичларимиз худди шу тамойилга кўра ишлайди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бугунги кунда Бектемир туманида ўрнатилган бундай газ ҳисоблагичлари сонини уч мингтага етказиш устида иш олиб бораяпмиз. Эндиликда Зангиота тумани, Ангрен, Қўқон шаҳарларида ҳам мазкур газ ҳисоблагичларини жорий этиш ишлари бошлаб юборилди.

Эътиборли томони шундаки, улгуржи истеъмолчиларнинг бундай ҳисоблагичлардан фойдаланишларини инобатга олиб, "Жанубгазтаъминот" ҳудудлараро унитар корхонасидан "ЎзФедералГаз"га кўплаб буюртмалар тушаяпти. Шу билан бирга, корхонанинг барча ҳудудий газ таъминоти ташкилотлари билан шартномавий келишувлари ҳам бор.

Мухтасар қилиб айтганда, "ЎзФедералГаз" қўшма корхонаси жамоаси янгиликни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва шу орқали табиий газ истеъмоли тежамкорлигини ошириш йўлида бор куч-ғайратларини ишга солмоқдалар.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.** t

## ОБ-ҲАВО
**(27 февраль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Айрим жойларда ёмғир ёғади. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат тунда 3-5 даража илиқ, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.50 1 2 4 5